

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**  
№ \_\_\_\_\_  
201\_\_ йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирининг  
201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_ - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тилшунослиги)”**  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**Тошкент – 2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ**  
**ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ**  
**ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*  
**201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан**  
**маъқулланган.**

Тузувчилар: **“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”**  
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев.  
**“Илғор таълим технологиялари ва педагогик  
махорат”** модули: филол.ф.д. А.С.Эркинов, к.ў.  
Г.А.Джаналиева.  
**“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш”** модули: филол.ф.н.  
З.Мирзаева, ўқ.З.Р.Рахмонов.  
**“Амалий хорижий тил”** модули: филол.ф.н.  
Н.З.Нормуродова, к.ў. У.В. Каримова.  
**“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”**  
модули: фалс.ф.д., проф. Р.Самадов, филол.ф.д., проф.  
Н.Рахмонов, пс.ф.н. Х.Алимов.  
**Махсус фанлар бўйича:** филол.ф.д. проф. Б.Менглиев,  
филол.ф.д. проф. З.Холмонова,  
филол. ф.д. проф. Д.Лутфуллаева,  
филол. ф.н.Т.Тоғаев, филол.ф.н. Б.Абдушукуров.

Такризчилар: филол.ф.д., проф. Н.Махмудов,  
филол.ф.д., проф. И.Юлдашев

Ўқув дастури ТошДЎТАУ Илмий кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия  
қилинган (2016 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори (ЎЗР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган) устувор йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг илғор хорижий тажрибаларини ўзида акс эттириб, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Тилшунослик назарияси ва методикаси.

6.2. Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари.

6.3. Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- тилнинг тизим сифатидаги моҳияти ва семиотик табиатини;
- тилшуносликнинг долзарб назарий масалаларини;
- тилшунослик тадқиқотлари методикасини;
- ўзбек тилшунослигида қўлланилаётган замонавий методлар ва уларнинг методологиясини;

- тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши тамойиллари ва моҳиятини;
- антропоцентрик тилшуносликнинг асосий тушунчалари, таҳлил методларини;
- антропоцентрик тилшунослик йўналишларини;
- ўзбек луғатчилигининг XI-XXI аср бошларидаги ҳолатини;
- мустақиллик йилларида лексикография ва терминология соҳасида рўй берган ўзгаришларни;
- ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг ривожланишида жамият, илм-фан тараққиётнинг ўрнини **билиши** керак;

#### **Тингловчи:**

- лингвосомиотика хусусиятларини ажратиш;
- тилшуносликнинг долзарб назарий масалаларини аниқлай олиш;
- тилшуносликнинг назарий масалаларига доир лингвистик методларни қўллаш;
- матнни антропоцентрик илмий парадигма тамойиллари асосида таҳлил қилиш;
- бадий матннинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш;
- бадий матннинг психолингвистик хусусиятларини белгилаш;
- тил бирликларининг лингвопрагматик хусусиятларини аниқлаш;
- ўзбек луғатчилиги ва терминологиясининг шаклланишига туртки бўлган омилларни белгилаш;
- ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг ўз ва ўзлашма қатлам негизида тараққий этиши ҳамда бойишини тушунтириш **кўникмаларига** эга бўлиши керак.

#### **Тингловчи:**

- тилнинг тизим сифатидаги ва семиотик хусусиятларини талқин қила олиш;
- лисоний сатҳларнинг ҳамкорлик муносабатларини тавсифлаш;
- тилшуносликнинг назарий масалалари ечимига доир тавсиялар бериш;
- матн яратиш ва уни идрок этиш қонуниятларини илмий билиш;
- матнни лингвокультурологик аспектда таҳлил қила билиш;
- матннинг психолингвистик хусусиятларини аниқлаш;
- тил бирликларининг лингвопрагматик йўналишда таҳлил қилиш;
- тарихий ва замонавий лексикография ҳамда терминологиянинг назарий -амалий масалаларини таҳлил қилиш **малакаларини** эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- тилнинг тизим сифатидаги хусусиятларини назарий жиҳатдан асослай олиш, унинг семиотик тизимлар сирасидаги ўрнини баҳолаш;
- тилшуносликнинг долзарб муаммоларига муносабат билдириш, мавжуд тавсиялардан тегишлисини танлай олиш ва асослай билиш;

- лингвистик масалалар талқинига доир методларни фарқлаш, янгича ёндашув усулларини татбиқ қилиш;
- тилшуносликнинг назарий масалалари юзасидан метод ва методология асосида илмий хулосалар чиқариш, янги таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;
- синергетик методни тилшунослик методлари билан қиёслаш;
- тил бирликларининг моҳиятини антропоцентрик илмий парадигма тамойиллари асосида очиб бериш;
- тилга антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ёндашувнинг ўрни ва амалий аҳамияти юзасидан умумлашма илмий хулосалар чиқариш;
- замонавий ўзбек луғатларини тузиш вазифалари, асослари, тамойилларини тавсифлай олиш;
- ўзбек лексикографияси ва терминологиясининг шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

## **Курснинг ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **“Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк

келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони ва бошқалар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори (ЎзР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган), 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.



Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъерий ҳужжатлар. Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.2. Филология таълимида илғор хорижий тажрибалар.**

Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда хорижий тажриба. Ривожланган Европа (Германия, Англия) ва Осиё (Япония, Жанубий Корея) давлатларида тил ва адабиёт соҳасида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларининг ташкил этилиши. Уларнинг илғор тажрибаларини ўзбек филологияси таълими тизимиغا татбиқ қилиш.

Филология таълими ривожланишига ҳисса қўшган соҳанинг етук хорижий олимлари (жумладан, Америка, Англия, Германия, Франция, Япония) ва улар томонидан яратилган илмий-назарий тадқиқотларнинг ўзбек тилшунослиги ривожига ўрни. Ўзбек тили таълимидаги миллий ва хориж тажрибаларининг уйғун ва индивидуал хусусиятлари. Филология таълимининг халқаро тараққиёт тамойиллари ва истиқбол йўналишлари.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

### **3.2. Компьютер лингвистикаси асослари.**

Компьютер лингвистикасининг шаклланиши ва ривожланиши. Математик моделлаштириш. Табиий тилни қайта ишлаш. Компьютер-ахборот услуги.

“Компьютер лингвистикаси” йўналишлари. Компьютерлаштириш жараёни–тараққиёт маҳсули сифатида. Сунъий интеллект тушунчаси. Информацион қидирув тизими. Гипертекст. Матн ичидаги ҳаволалар. Компьютер лексикографияси. Электрон луғатлар. Конкорданс, тезаурус луғатлар. Корпус лингвистикаси. Миллий тил корпусини яратиш.

Автоматик таржима. Таржимон дастурлар. Таржима алгоритми. Машина таржимасидан фойдаланиш техникаси.

Автоматик таҳрир дастурлари. Хорижда татбиқ қилинган таҳрир дастурлари. Автоматик таҳрирга қўйиладиган талаблар.

Тил ўқитиш жараёнини автоматлаштириш. Тил ўқитиш дастурлари. Инглиз тилидаги тил ўргатиш дастурлари тавсифи.

Тил ўргатиш ва билимларни баҳолаш тизими. IELTS ва TOEFL дастурларининг тил ўргатиш ва билимларни баҳолашдаги ўрни.

Компьютер лингвистикасининг миллий ривожланиш истиқболлари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларни тизимли таҳлилни амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

### **5.2. Филологик тадқиқотларда тизимли таҳлил.**

Илмий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг мазмуни, кўринишлари ва асослари. Филологик тадқиқотларда тушунча ва тамойиллар тизими, адабий воқелик ва даврлаштириш тамойиллари, уларнинг ўзаро муносабати ва бири-бирига боғлиқ жиҳатлари. Филология илмида тизимли таҳлилга муносабат: хронологик, оқимлар ва сулолалар алмашинуви бўйича даврлаштиришнинг фарқли жиҳатлари, филология илми тарихида даврлаштиришнинг асосий кўринишлари. Тилшунослик ва адабиётшунослик тарихида даврлаштириш тизимли таҳлилнинг асосий объекти сифатида. Тил назарияси ва адабиётшунослик илми тарихида тизимли таҳлилнинг кўринишлари ва уларга муносабатлар, уларни таҳлил қилиш усуллари. Филология илмида тизимли таҳлил модели: лингвопоэтика→структурал поэтика→семиотика.

Навоий, Абулғози Баҳодирхоннинг тилшунослик тарихидаги роли. Адабий категорияларнинг барча давр адабиётида турли-туманлиги ва тизимли таҳлилга муносабати. Ҳар бир даврда лисоний элементларнинг ва адабий категорияларнинг ўзига хослиги – тизимли таҳлилнинг муҳим мезонларидан бири сифатида. Тизимли таҳлилда филологик терминлар идентификацияси: модернизм, постмодернизм.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Тилшунослик назарияси ва методикаси.

Семиотика ва рамзлар тизими. Тилнинг белгили ва белгисиз хусусиятлари. Тил тизимининг белгили хусусияти. Лингвистик белги хусусиятлари. Умумий семиотика. Лингвосемиотика. Лисоннинг гомоген нутқнинг гетероген система эканлиги.

Инсон фаолиятининг методология асосида намоён бўлиши. Билим→малака→қўникма→одат→табиат. Методология – лингвистик фаолият асоси. Лингвистик онгнинг методологиядан холи бўлмаслиги. Формал мантиқ методологияси. Лингвосинергетика.

Тил бирликларининг тизим сифатидаги моҳияти. Тил тизимида лингвистик муносабатлар. Тил тизимида иерархик, парадигматик, ассоциатив муносабатлар.

Тил тараққиётида муайян қонуниятларнинг амал қилиши. Тилнинг ички тараққиёти. Миллий тил тараққиётининг асосий омиллари. Маданиятлараро муносабатларнинг тилдаги ифодаси.

Ривожланиш тушунчаси. Тил тараққиёти. Тил тараққиётининг ички қонуниятлари. Обьективлик ва такрорланувчанлик. Тил = лисон – меъёр – нутқ. Нутқий тежаш. Плеоназм (эхтиёт, таъкид). Лисоний рамзда асимметрик дуализм, аташ ва ифодалаш зиддияти, ўхшатиш (аналогия), барқарорлик ва эркинлик қонуни.

### 6.2. Антропоцентрик тилшунослик йўналишлари.

Антропоцентрик парадигманинг шаклланиши. Лингвистик семантика, прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, лингвокультурологияда антропоцентрик йўналиш тенденциялари. Тил тизими ва ундан фойдаланувчи шахс муносабати. “Тил эгаси” категорияси. Лисоний онг, лисоний тафаккур тушунчалари.

Матн яратилишида шахснинг когнитив фаолияти. Тил бирликларининг лингвокогнитив хусусиятлари. Лисоний-когнитив фаолиятнинг миллий-маданий хусусиятлари. Матн яратилиши ва унинг мазмуний идроки. Матн тузувчи – матн – реципиент учлиги. Воқелик – онг – олам манзараси – тил – матн тузувчи – реципиент – матн проекцияси тизими. Матннинг мазмуний перцепцияси. “Нутқ яратилиши модели”. Универсал-предмет коди тушунчаси. Ички нутқ тушунчаси. Нутқий фаолият, лисоний қобилият, дискурс тушунчалари.

Матннинг психоллингвистик тадқиқ тамойиллари. Тил ва тафаккур, тил ва руҳият муносабати. Тилда руҳий ҳолат ифодаси. Лисоний онг, лисоний қобилият, лисоний хотира тушунчалари. Интерпретативлик ҳодисаси. Ассоциатив тафаккур. Сўзларнинг ассоциатив боғланиши. Ассоциатив майдон тушунчаси. Ассоциатив тажриба методи.

Лингвокультурологиянинг шаклланиши. Тил - маданият феномени сифатида. Тил ва маданият муносабати. Ўхшатишларнинг матн яртилишидаги ўрни. Метафораларнинг матн қурилишидаги когнитив-семантик аҳамияти. Сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн шаклидаги метафоралар. Прецедент бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари.

Лингвистик прагматиканинг назарий муаммолари. Лингвистик бирликларнинг прагматик томони. Прагмема термини. Нутқий акт назарияси. Нутқда прагматик мақсаднинг ифодаланиши. Матннинг прагмасемантик хусусиятлари. Дейксис назарияси. Ўзбек тилининг дейктик бирликлари. Пресуппозиция ва тагмаъно.

### **6.3. Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси.**

Ўзбек терминологияси шаклланиши тарихидан. Ўзбек тили тарихида соҳавий терминлар ва уларнинг лисоний хусусиятлари.

Ўзбек лексикографиясининг илк ва ўрта асрлар даври. Ўзбек лексикографиясининг шаклланиши ва тараққиётида давр талаби ва ижтимоий буюртма.

XX аср ўзбек терминологиясининг шаклланиши, тараққиёт тамойиллари, унинг методологик асослари. Терминологияда юзага келган муаммолар, уларнинг сабаблари ва омиллари.

Мустақиллик даври ўзбек терминологияси. Истиқлол даврида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, диний, маънавий ҳаётда юз берган туб ўзгаришларнинг ўзбек терминологиясига таъсири.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва терминология муаммолари. Янги давр ўзбек миллий терминологияси тараққиётининг ижтимоий-сиёсий асослари. Ўзбек терминологиясини такомиллаштириш муаммолари ва вазифалари. Соҳавий терминологияда амалга оширилаётган ислохотлар.

Замонавий ўзбек лексикографиясида ўзбек семасиологияси ютуқларининг акс этиши. Изоҳли луғатларнинг янги авлоди: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар.

Ўзбек ўқув луғатчилиги. Ўқув луғатларининг анъанавий ва замонавий турлари. Ўқув луғатчилигидаги муаммолар ва вазифалар.

Ўзбек электрон луғатларини яратиш вазифалари ва асослари.

Жаҳон интернет луғатлари. Википедия. Ўзбек интернет луғатларини яратиш вазифалари ва асослари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялар, илғор хорижий тажрибалар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими учун тавсия этилган хорижий адабиётлардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – 2008.-176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2011.-440 б.
5. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т.: Ўзбекистон. 2009.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрдаги Давлат тили ҳақида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори (ЎЗР ВМнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 273-сонли, 2016 йил 28 июлдаги 244-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини



кайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 152-сон қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.; 2000. – 218 б.

3. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.

4. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

5. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод жамғармаси, 2008. – 180 б.

7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод жамғармаси, 2009. – 160 б.

8. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.

9. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.

10. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

11. Тилшунослик назарияси ва методологияси. Тузувчи Ҳ.Дадабоев. - Тошкент, 2004.

12. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. - Андижон, 2006.

13. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. -Тошкент: Университет, 2007.

14. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш. –Т.: Академнашр, 2013.

15. Тилшунослик назарияси ва методологияси. Тузувчи Ҳ.Дадабоев. –Т.:2004.

16. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. - Андижон, 2006.

17. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Т.:2001.
18. Пўлатов А.К., Муҳамедова С. Компьютер лингвистикаси (ўқув кўлланма). –Т.:2008
19. Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. –Т.:Академнашр, 2011.
20. Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi. – Т.: Akademnashr, 2011.
21. Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. - Т., 1994.
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. I т. (Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-й. -680-б.), II т. (2006-й. -672 б.), III т. (2006-й. -688 б.), IV т. (2008-й. -608 б.), V т. (2008-й. -592 б.
23. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Фан, 2002.
24. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Т.: 2002.
25. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. –Т.: 2007.
26. Дониёров Р. Ўзбек тили илмий-техникавий терминлар тарихидан. –Т.: 1974.
27. Усмонов О., Ҳамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан. –Т.: Фан, 1981.
28. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари. –Т.: 1985.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
7. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
8. [www.literature.uz](http://www.literature.uz)
9. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимқулов

201\_\_ й. “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ И.У.Мажидов

201\_\_ й. “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

М.Ў.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор \_\_\_\_\_ Ш.С.Сирожиддинов

201\_\_ й. “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

М.Ў.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор \_\_\_\_\_ Т.М.Тоғаев

201\_\_ й. “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

М.Ў.

